Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. | № 249 (6. 140) | 1986 йил 29 октябрь, чоршанба | Баҳоси 3 тийин

КПСС XXVII съезди қарорлари — ҳаётга!

## МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРГА!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини астойдил, ҳалол меҳнат билан амалга оширайлик!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақириқларидан).

Ленинградликлар ташаббуси бўйича

# ҲАЁТ ТАҚОЗОСИ

**Икки ва уч сменали ишга ўтиш, ускуналарни иш билан тўла таъминлаш — ҳаёт тақозосидир. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси каркас-механика ишлаб чиқаришида ишнинг янги режимига ўтиш қай тарзда бораётганлиги тўғрисида унинг бошлиғи А. ЛАНГ ҳикоя қилади:**

— Ҳозирги кунда бизда икки сменали режим бўйича ишлашга ўтишга катта тайёргарлик олиб борилмоқда. Цехларда мана шу масалага бағишланган партия-хўжалик активларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари бўлинмаларнинг раҳбарлари билан биргаликда меҳнат коллективларида икки сменада ишлашни ташкил этишнинг жуда катта аҳамияти ва зарурияти тушунтириш юзасидан кенг ташкилотчилик ҳамда оммавий-сиёсий ишларни бошлаб юбордилар. 66- ва 95-цехларнинг бошлиқлари билан биргаликда биз мазкур коллективларнинг фрезерчилари орасида суҳбат ўтказдик. Гурунгимиз очиқ-ойдин бўлди. Унинг мақсади битта бўлиб, у ҳам бўлса икки сменада ишлашга нималар халақит бераётганлигини аниқлашдан иборат эди. Ишчилар ўз фикр ва мулоҳазаларини ёзма равишда бажонидил изҳор этишди: ташкилий соҳадаги бир қанча масалалар аниқланди. Бу асбоб-тарқатиш омборлари ва складларининг бир сменага мўлжалланганлиги, ишни технологик жиҳатдан таъминлаш, шунингдек сменага тажрибали мастерларни чиқариш зарурлиги тўғрисидаги масалалар эди. Айни пайтда юз берадиган носозликларни тез бартараф этиш учун иккинчи сменани малакали мутахассис-ремонтчилар бўлими билан таъминлаш масаласи ҳам кўндаланг турарди.

Ҳозирги вақтда бирлашма маъмурияти, партия ва касаба союз комитетлари Тошкент шаҳар партия комитети ҳамда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида шаҳар транспорти иш режимини узайтириш, мактабгача болалар муассасаларидан бир қисмининг ишини кеча-кундуз ишлаш режимига ўтказиш графигини кўриб чиқиш, савдо ва маиший хизмат, ўқув юртлари ишларини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ҳал қилмоқдалар. Социал соҳасидаги масалалар ҳал қилувчи бўлмасада, ҳозирги пайтда ҳар ҳолда жуда катта аҳамиятга эга. Чунки ҳамма йиғилишларда сўзга чиққан ишчилар айнан мазкур мавзу устида сўз юритдилар. Агар биз ишлаб чиқаришга оид масалаларни ўз жойида ва нисбатан тез ҳал қилишимиз мумкин бўлса ҳам, социал масалаларнинг пухта ўйлаб ҳал қилинишисиз икки сменада ишлаш тўғрисида жиддийроқ сўз юритишнинг иложи йўқ. Барча шаҳар хўжалиги иш маромини аниқ келишиб олинган тақдирдагина, ютуққа эришишни кўзлаш мумкин. Бирлашма партия комитети ва маъмурияти бу муҳим масалаларни ҳал этишни тезлаштирадилар, деб умид қиламан.

Албатта икки сменага ўтиш жиддий иш ва уни шошма-шошарлик билан ҳал қилиб бўлмайди. Биз ҳозир ҳужжат тайёрлаганмиз. Унда ҳар бир цех қайси вақтдан ва қандай составда икки сменага ўтиши аниқ-равшан кўрсатилган. Масалан, 27-цехда октябрь ойида икки сменада ишловчилар 40 киши бўлса, ноябрь ойида 50, декабрда эса улар сони 60 кишига етади. Улар билан бирга ҳар бир группага топширилган вазифани аниқ биладиган мастер ҳам ишга чиқади. Албатта, бизнинг мақсадимиз ҳар бир группа тўла составда, мастери билан биргаликда сменасини алмаштириб ишлашига эришишдан иборат.

Агар аксарият цехларда дастгоҳларни икки сменада иш билан таъминлаш орқали сменалилик коэффициентини ошириш муаммосини ҳал этиш мумкин бўлса, 32-цехда бу ишни уч сменага кўчириш зарур. У ерда нодир ускуналар — Италияда тайёрланган «Горизон» дастгоҳлари ўрнатилган. Бу ускуналарда ўйиш, фрезерлаш ва тарошлаш ишларини амалга ошириш мумкин. Мазкур дастгоҳлар жуда қиммат туради. Бинобарин, бизнинг вазифамиз «Горизон»лардаги сменалилик коэффициентини пландаги 1,72 ва ҳозирги 1,49 ўрнига 2,6 га етказишдан иборат. Ишлаб чиқаришимиз бўйича умуман бу кўрсаткич пландаги 1,73 ўрнига 1,39 ни ташкил этади. План тўлмай қолаётган ҳозирги кунда биз бу ЧПУли дастгоҳларда икки сменада ишлашни ташкил этаяпмиз. Уларнинг ҳар бири 12 соатдан иборат. Бу албатта вазиятдан қутилишнинг йўли эмас. Партия комитети, касаба союз ташкилоти ва хизмат раҳбарлиги ишни уч сменада ташкил этиш ҳамда дастгоҳларнинг тўла иш билан таъминланишини уюштириш учун малакали кадрларни танлаш ва тарбиялашда мазкур бўлинмага ёрдам беришлари керак. Бу участка доимо диққат-эътиборда ҳамда мунтазам назорат остида эканлигини ҳам айтиб ўтиш ортиқчалик қилмайди. Шуни таъкидлашни истардимки, 32-цехнинг раҳбарлиги ЧПУли бу дастгоҳлар тўла иш билан таъминланиши ғоясининг ташаббускорлари бўлишлари ҳамда бу нарсага расман қарамасликлари керак. Шундагина мўлжалланган марраларга эришиш мумкин.

Амалда биз ҳозир бир сменада ишлаётган вақтда ҳамма цехлар ҳам қўйилган вазифаларни батамом адо этмоқдалар, деб бўлмайди. Бундан буён икки сменали ишга ўтганимиздан кейин ишлаб турган замонавий ускуналардан фойдаланишни яхшилаш, носоз дастгоҳларни рўйхатдан чиқариш, дастгоҳлар паркини модернизация қилиш билан фаолроқ шуғулланиш, ЧПУли дастгоҳлар участкасини қатъий равишда ихтисослаштиришни мўлжаллаб қўйганмиз. Гап шундаки, иккинчи смена бизга ишлаб чиқариш майдонларининг бўшатилишига ёрдам беради. Ҳозир эса ҳар бир цехда ана шу саҳн етишмаслигидан шикоят қилмоқдалар. Шунингдек иккинчи смена меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш имкониятини ҳам яратади.

Суҳбатни
**Б. НАСИМОВ** ёзиб олди.

**САНОАТ, ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА БЎЛИМИНИНГ ҚЎШИМЧАСИ:**

**1 ноябрдан бошлаб каркас-механика ишлаб чиқаришида икки сменали ишга 253 киши, 1 декабрдан эса 291 киши ўтказилади.**

Замондошимиз



Бугун — Комсомол туғилган кун

# ИБРАТ КЎРСАТИБ

Сиз суратда кўриб турган Абдуқаҳҳор Назаров оташқалб ёшлардан. У Комсомол туғилган кунни меҳнатда самарали ютуқларни қўлга киритган ҳолда кутиб олаяпти. Чунки у шонли саналарни меҳнат муваффақиятлари билан нишонлашга одатланган, ўзи ишлаётган корхонанинг 5-цех комсомол-ёшларини ҳам ҳамиша шунга ундайди.

Тошкент асбобсозлик заводи коллективи ўртасида Назаровлар сулоласининг овозаси кенг тарқалган. Корхонада сулоланинг 14 аъзоси ишлайди. Уларнинг заводдаги умумий стажи 167 йилни ташкил этади.

Сулола бошлиғи Жаббор Назаров 32 йилдан бери шу корхонада меҳнат қилиб келмоқда. Шогирдликдан бригадирликкача кўтарилди. Шу ерда КПСС сафига ўтди. Унинг умр йўлдоши Зуҳра ҳам меҳнат стажини шу корхонада бошлади.

Ишчилар оиласида тарбияланган Абдуқаҳҳор ёшлигиданоқ ота касбини танлади. 10-синфини тугаллаш арафасида ўз мақсадини ота-онасига айтди.

— Сен бирор институтга кириб ўқисанг бўлармиди, — деди она бироз ўйланиб.

— Ўқийман. Албатта ўқийман. Кечки институтга кираман. Олдин ишга жойлашиб олай.

Суяги меҳнатда қотган отага ўғилнинг бу гапи маъқул тушди. Бу таклифдан боши осмонга етди. Эртасига ота-она Абдуқаҳҳорни заводга олиб боришди. Кўп ўтмай унинг ишчи бўлгани ва биринчи иш куни билан табриклашди.

Абдуқаҳҳор ҳарбий хизматда юрган вақтларида ҳам ўз корхонасини, қадрдон дўстларини унутмади. Хат орқали улар билан алоқа қилиб турди. Корхонанинг меҳнат муваффақиятларидан қувонди.

У ҳарбий бурчини ўтаб, яна тўғри заводга ишга келди. Авжи кучга тўлган йигит қайноқ меҳнатга шўнғиди. Ишдан чарчамади. Тез орада унинг номи завод комсомол-ёшлари ўртасида кенг тарқалди. Корхона ва цех комсомол йиғилишларида тез-тез тилга олинадиган бўлди. Ҳозир Абдуқаҳҳор корхонанинг 5-цехи моҳир чархловчиси.

Шу кунларда Абдуқаҳҳор Назаров Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллигини меҳнатда қувончли натижаларни қўлга киритган ҳолда кутиб олиш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: комсомол аъзоси Абдуқаҳҳор Назаров.

Т. Каримов фотоси.

● Комсомол кунига бағишланган бошқа материалларни газетанинг 2-саҳифасида ўқийсиз.



# ПАХТАКОРГА МАДАДКОРМИЗ

„ОҚ ОЛТИН" — ВАТАНГА

**Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 28 октябрга бўлган**
**МАЪЛУМОТ**

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

| | | |
|---|---|---|
| Фарғона | 0,82 | 96,65 |
| Тошкент | 1,10 | 95,07 |
| Сурхондарё | 1,36 | 84,87 |
| Наманган | 1,17 | 84,44 |
| Сирдарё | 1,17 | 83,27 |
| ҚҚАССР | 1,16 | 79,74 |
| Хоразм | 1,01 | 75,88 |
| Андижон | 1,35 | 70,01 |
| Бухоро | 0,67 | 69,61 |
| Жиззах | 1,09 | 67,20 |
| Самарқанд | 1,12 | 63,86 |
| Навоий | 0,82 | 52,78 |
| Қашқадарё | 0,86 | 49,84 |
| Республика бўйича: | 1,06 | 75,43 |

# ОЛОВҚАЛБЛАР ҲИССАСИ

Ҳозирги кунларда серқуёш республикамизнинг ҳар бир граждани пахтакор. Шундай экан дала меҳнаткашларининг фидокорона меҳнатлари билан етиштирилган «оқ олтин» ҳосилини нес-нобуд қилмай йиғиб-териб олишда Халқлар дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти коллективи ҳам пахтакорларга сидқидилдан кўмаклашишга бел боғлаган. Коллективимиз бу борада шонли меҳнат анъаналарига эга.

Институтимиз комсомол-ёшлари ва коммунистлари пахта мавсумларида олий ўқув юртлари ўртасидаги социалистик мусобақаларда доимо пешқадамлар сафида бўлиб келмоқдалар.

Ўтган йили институтимиз студентлари ва профессор — ўқитувчилари Сирдарё областининг Оқ олтин районидаги «Фарғона», «Чинобод» совхозларида бўлишиб, улкан хирмонга муносиб улуш қўшган эдилар.

Бу йил ҳам, шонли Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллиги арафасида студентларимиз Оқ олтин райони пахтазорларида жасорат билан тер тўкмоқдалар. Пахта далаларида студентларимизнинг яхши, самарали меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Музика факультети базасида доцент Қулдош Эргашев бошчилигида агитбригада ташкил этилди. Бу агитбригада студент-ҳашарчиларимизнинг дам олиш соатларини мароқли ўтказишларида муҳим роль ўйнамоқда. Ҳар бир баракда оммавий-сиёсий ишлар яхши йўлга қўйилган.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг Рейкьявикда бўлиб ўтган тарихий учрашувдан кейин матбуот конференциясида ҳамда Совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқларини ҳашарчи-ёшлар зўр ҳаяжон билан кутиб олдилар ва студентларимиз ўзларининг пахта териш мавсумидаги бир кунлик иш ҳақларини Тинчлик фондига ўтказишга қарор қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаганидек, биз тинчлик сари дадил қадам ташладик, КПСС XXVII съезди белгилаб берган йўлдан қайтмаймиз.

Бизнинг пахта майдонларида амалга ошираётган ишларимиз эса тинчликни мустаҳкамлашга қўшилган ҳиссамиз бўлади.

Ҳозирги кунда теримда иштирок этаётган 3475 студентнинг ҳар бири ўрта ҳисобда кунига 60 килограммдан пахта термоқда. Шавкат Аҳмедов бошчилигидаги тарих факультети, Қ. Қасонбоев бошчилигидаги ўзбек-қозоқ филологияси факультети студентлари бу борада бошқаларга ибрат бўлмоқда.

Теримда Н. Сафарбоева, Ҳ. Маткаримов, Ш. Раҳимбердиева, А. Байрамова, Б. Ҳақназаров, М. Худоёрова, Ш. Ҳайитов, Т. Жумаева, Б. Нарзуллаева каби минглаб оловқалб ҳашарчи-теримчилар бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб пахтазорда жавлон урмоқдалар. Бундай меҳнатсевар комсомолларимизнинг ҳар бири 2—2,5 тоннадан «оқ олтин» териб, улкан хирмонга катта ҳисса қўшиш учун астойдил интилмоқдалар.

Коллективимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 69 йиллигини ана шундай кўтаринки руҳ билан кутиб олишга астойдил бел боғлаган.

**З. ДАВРОНОВ,**
**Халқлар Дўстлиги орденли Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти партия комитетининг секретари, доцент.**

***



**СУРАТЛАРДА:** Тошкент фармацевтика институти студентлари пахта теримида.

Е. Ботиров фотолари.

«Тошкент оқшоми» бонг уради

# ДАРД

«9» рақамида хислат кўп. Масалан, инсон боласи тўққиз ойдан кейин ёруғ дунёни ҳавас қилади. Яна тўққиз кундан кейин ҳаваси интилишга талпинишга айланади. Яна тўққиз соат, тўққиз минут, тўққиз сония ўтгач мақсадига етади. Буни гинекологлар дард ва тўлғоқ тутиши давридаги ҳолат деб ҳисоблашади.

Алқисса, 1976 йилда шаҳар марказидаги 6-туғруқхона янги корпусининг биринчи ғишти қўйилганида қурувчилар туғруқхона дояларига туядек ваъда беришди.

— Тўққиз ойдан кейин саккиз қаватли бинонинг бўйи-бастига ҳавас билан қарайсиз. Яна тўққиз кун биргаликда зўр бериб, тиббий анжомларни ўрнатсак олам гулистон. Ажойиб бинонинг туғилиш гувоҳномасини давлат комиссияси ёзиб беради деяверинг!..

Афсуски ўша куни қурувчилардан биронтаси тушида туяни кўриб қолган эканми, тўққиз йилдан кейин ҳам туғруқхона туғиладиган ой-кун яқинлашмади. Ҳозир ўнинчи йил кетяпти. Бинонинг чироқлари ёқиладиган кун кутиляпти. Шаҳарнинг энг зўр гинекологлари қурилиш объекти атрофида парвона.

Қурувчилар зир югурган. Уларнинг оғзида бир йилдан бери дардли сўз: бугун топширамиз, эртага топширамиз! Бу дардисар ваъдалар ўтган йили бошланган эди, куни-кеча: эрталаб топширамиз, кечқурун топширамизга ўтишди. Гинекологлар буни тўлғоқ даври дейишяпти.

Бугун тонгда қурилиш объектида бўлиб 8-қурилиш тресті бош инженери А. Л. Абрамовичга рўпара келдик.

— 1 ноябргача топширамиз, — деди у ва қўшимча қилди, — яна кўрамиз...

Шунақа гаплар. Бу ердаги аҳвол шундан далолат берадики, қурувчилар ҳамон эски дарддан қутила олишмаётганга ўхшайди. Ҳамон ўша-ўша ваъдабозлик, ўша-ўша графикни барбод қилиш, топшириш муддатини чўзиш давом этмоқда. Эски дард қурсин!

Медикларнинг айтишича, эски дарднинг давоси скальпель ва қайчи. Биз ушбу луқма тиббий тиғ вазифасини ўташини истардик.

Ўйлаймизки, кейинги мақоламиз репортаж бўлади ва унда давлат комиссияси янги туғруқхонага туғилиш гувоҳномасини ёзиб бергани, «инга-инга» овозлари эшитила бошлагани хабар қилинади.

**М. МУРОДОВ.**

## ҚИЗИҚАРЛИ ВА ТАЪСИРЧАН

Республикамиз лектор ва пропагандистларига ёрдам тариқасида қатор оммабоп китобчалар босилиб чиқди. Бундай брошюраларнинг аксарияти Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти йўли билан тайёрланди.

«КПСС XXVII съезди ва идеология ишининг актуал масалалари» кутубхонаси туркумидан чоп этилган махсус китобчалар шу куннинг муҳим мавзуларига бағишланган текст-лекцияларни ўз ичига олди. «Маънавий тарбиянинг асосий йўналишлари», «Меҳнаткашларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш», «Шахсда атеистик маданиятни шакллантириш» сингари брошюралар кўпчиликка манзур бўлди.

Жамият шу туркумдан лектор ва пропагандистларнинг назарий ва илмий савияларини оширишга ёрдам берадиган яна қатор текст-лекцияларни босмага ҳозирлайди.

## АКТЁРНИНГ ҲИММАТИ

Максим Горький номли Тошкент Давлат рус академик драма театрининг етакчи актёри, Ўзбекистон ССР халқ артисти Николай Хачатуров жўшқин ижодий фаолиятининг деярли ярим асри ана шу санъат кошонасида ўтмоқда. Атоқли санъаткор 150 дан ортиқ ранг-баранг ролларни ижро этди. Театр репертуаридан ўрин олган «Дон Карлос», «Макр ва муҳаббат», «Ламанчлик киши», «Филумена Мартурано», «Авлабар хўжайини», «Учдан олтигача» каби спектаклларда у ажойиб образлар яратиб, томошабинлар эътиборини ўзига тортди.

Театр янги тайёрлаётган «Йилнинг бешинчи фасли» постановкасида Н. Хачатуров бош қаҳрамонлардан бири Рувимчик ролида чиқди.

Севимли актёр ижодий фаолияти бошланганлигининг ярим асрлигига бағишланиб артистнинг бенефис кечаси бўлиб ўтган эди. Кекса санъаткор томошадан тушган маблағларнинг бир қисмини Чернобиль фондига топширди.

